
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Ўтган 2022 йил давомида Фарғона вилоятида 145 та давлат мулки объектлари 214,5 млрд. сўм бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилиши таъминланди.

Шундан, умумий қиймати 141,9 млрд. сўм бўлган 77 та давлат активлари сотилишига эришилди. Жумладан 74 та давлат мулки объектлари 82,7млрд. сўм ва 3 та давлат улуши 59,2 млрд. сўмга сотилди.

Ер участкалари бўйича:

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарори билан “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали 6568 та 338,7 гектар (4705 та 149,8 гектар ер майдони мулк ҳуқуқи билан, 1863 та 189,0 гектар ер майдони ижара ҳуқуқи асосида) ер участкалар 164,9 млрд. сўм бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилиши таъминланди.

Бугунги кунга қадар 701 та ер участкалари 54,9 гектарда (336 та 11,6 гектар ер майдони мулк ҳуқуқи билан, 365 та 43,3 гектар ер майдони ижара ҳуқуқи асосида) 44,1млрд. сўмга сотилди.

Давлат мулкини ижарага бериш бўйича:

2022 йил давомида вилоятда умумий майдони 528,3 минг кв.м. дан иборат бўш турган давлат мулклари бўйича 1972 та 40,5 млрд.сўм қийматда ижара шартномалари расмийлаштирилиши таъминланди.

Бюджетга йўналтирилган маблағлар бўйича:

2022 йилда бўлиб тўлаш шarti билан расмийлаштирилган шартномаларга асосан жами 100,8 млрд.сўм тушум туширилишига эришилиб, шундан вилоят маҳаллий бюджетига 46,5 млрд.сўм, Республика бюджетига 27,4 млрд.сўм ҳамда балансда сақловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 26,9 млрд.сўм йўналтирилди.

Шундан:

1. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан 49,3 млрд.сўм шундан маҳаллий бюджетга 23,6 млрд. сўм, шунингдек 22,4 млрд. сўм Республика бюджетига йўналтирилди.
2. Ер участкаларини сотилишидан 19,8 млрд сўм, шундан маҳаллий бюджетга 15,9 млрд.сўм, хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 3,9 млрд.сўм ўтказиб берилди.
3. Давлат мулкини ижарага бериш орқали 31,1 млрд. сўм шундан 3,5 млрд. сўм маҳаллий бюджетга, 4,3 млрд.сўм ҚҚСга, 5,6 млрд.сўм балансда сақловчиларга ва 5,3 млрд.сўм марказ таъминотига ҳамда 12,3 млрд. сўм давлат улуши мавжуд корхоналарга йўналтирилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-07 21:30:40